

## Лойиҳа ижросининг 5 - куни

Юртбошимизнинг 5 та муҳим ташаббусини ўзида қамраб олган ва талабаларнинг фаолиятини мазмунли ўтказиш учун Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти томонидан Ёшлар ҳафталиги 2019 лойиҳаси ўтказилди. 5-кун 5-ташаббус хотин-қизлар учун тадбирлар, танловлар, интеллектуал ўйинлар ва мунозара дебатлари билан давом этди. Дастлаб эрта тонгдан 5-якуний кун учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Соат 10:00 да Факултетлар кесимида ҳар бир факултет алоҳида наъмунали профессор-ўқитувчи ҳамда чақирилган меҳмон аёл иштирокида факултет талаба қизлар учун "Ёшлик чоғимда" номли давра суҳбатлари ўтказилди. Ташкил этилган давра суҳбатларини Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор, институт психологи, институт хотин-қизлар қўмитаси раиси кузатиб боришди. Албатта, барча факултетларга миннатдорчилик билдирамиз. Айниқса, психологимиз қизлар билан кўпроқ учрашувлар ташкил этиши керак.



### **2.Талаба-қизлар ўртасида бадминтон бўйича мусобақа ўтказилди. Мана натижалар:**

1-ўрин ГМ факултети

2-ўрин ҚХМ факултети

3-ўрин ЕРБ факултети

### **3.Мунозара-дебат ўйинлари ярим финал ва финал ўйинлари бўлиб ўтди.**

1-ўрин СХТЕ ва Б факултети

2-ўрин ҚСХЕТ ва ҚХМ факултети

3-ўрин йўқ!



3.Рус гуруҳларда талаба-қизлар ўртасида "Creative Shou" номли танлов ўтказилди. Барча факултетлар эркин мавзуда жуда яхши тайёргарлик билан келганини чиқишлардан англаб олиш қийин эмас эди дейди Бош ҳакам Жамшид Комилжонов. "Мен барча жамоаларга раҳмат айтаман" дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоларидан бири. Лекин, камчиликлар учун албатта узр сўраймиз. Албатта, бу танлов маданият саройимиз таъмирдан чиқгандан сўнг яна бир маротаба ўтказамиз. Шунда, барчаси аъло бўлади. Ҳозирча натижалар қуйидагича: Иккита 1-ўрин, иккита 2-ўрин, 3-ўрин йўқ. Ҳакамлар хулосаси қуйидагича бўлди.

1-ўрин СХТЕ ва Б факултети жамоаси ҳамда ЕРБ факултети жамоаси;

2-ўрин ГТҚ факултети ҳамда ҚСХЕТ факултети жамоаси;

**4.Талабалар турар жойида Ёшлар ҳафталиги доирасида "Халқаро талабалар куни"га бағишлаб, талабалар учун махсус Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор томонидан Концерт ташкил қилиб берилди. Концертда санъат усталари ҳамда қўшиқчилар иштирок этишди. Талабалар эса мазза қилиб рақсга тушишди.**



**5.Тошкент city бўйлаб саёҳат ташкил этилди. Талабалар Ўз етакчилари билан бирга саёҳатга боришди.**

**6.Талабалар турар жойида Факултетлараро талаба-қизлар ўртасида "Brain ring" (Викторина) ўйини ўтказилди.**

1-ўрин СХТЕ ва Б факултети талаба-қизлар жамоаси;

2-ўрин ҚХМ факултети талаба қизлар жамоаси;

3-ўрин ҚСХЕТ факултети талаба-қизлар жамоаси;

Барча иштирокчиларга катта раҳмат айтамыз ва ғолибларни табриклаймиз. Энди шунча ғолибларга нима берилар экан деганлар ҳам албатта топилади. "МИЛЛИОН" ҚВЗ гуруҳи айтганидек мақтов ёрлиғи, мақтов ёрлиғи ёки фахрий ёрлиқ эмас. Аслини олганда бу ҳам эътибор. Лекин, бу ҳам ватанимиз мулки. Биз эса ғолиблар учун институт ректорининг махсус талабалар учун керакли совғаларини ва дипломларни тантанали топширамыз. 17-ноябр Якшанба соат 10:00 Мустақиллик метроси Ёшлар ижод саройи биз сизни тақдирлаш маросимида кутамыз. Барча институт жамоасини таклиф этамыз. Тақдирлаш билан бир қаторда концерт дастури ҳам бўлиб ўтади. Кириш 9:30 да тўхтатилади. Бизни кузатиб боринг ёрқин лойиҳалар олдинда.



**Институт ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти ахбороти**

**Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов**